# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 13 июнь, № 120 (9291) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШ

*Глобаллашув жараёнида гиёҳвандлик воситалари, психофаол моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланмаси инсоният хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Бу таҳдидга қарши курашиш масаласи бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамиятга эга.*

## Қонунга шарҳ

Ушбу турдаги жиноятчиликнинг жамият ва давлат ривожланиши йўлидаги хавфларини тўлиқ англаган ҳолда бугунги кунда мамлакатимизда бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 11 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлиги ва генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди. Тадбирда давлат раҳбарига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берилди. Ушбу чора-тадбирлар жамиятни гиёҳвандлик хавфидан ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда мамлакатимизда тинч ва барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашга хизмат қилади.

Юртимизда гиёҳвандлик ва кучли таъсир қилувчи моддалар ноқонуний айланмасига қарши курашиш борасида қонунчилик базасини такомиллаштириш, мазкур соҳани меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиш ишлари ҳам тизимли ва самарали ташкил этилмоқда.

Хусусан, Президентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг имзоланиши ҳам бу турдаги жиноятларга қарши кураш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини яна бир бор яққол намойиш этди.

Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” номли янги боб киритилди. Унга аҳоли саломатлиги ва генофондига жиддий хавф солувчи жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган амалдаги 16 та модда ҳамда 3 та ўта оғир жиноятлар бўйича янги моддалар киритилиб, уларга алоҳида мақом берилди. Бу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига таҳдид солаётган хавфли қилмишлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, наркожиноятларнинг янгича усул ва шаклларини инобатга олиб, қонун ҳужжатларига бир қатор ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи янги нормалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, наркотик воситаларини суиистеъмол қилиш йўли билан наркотикларнинг ноқонуний муомаласига ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ёки бундай жиноятлар фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хабар бериш каби жиноятлар учун 5 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, бангихона ташкил қилиш ёки сақлаш учун 3 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, наркотикларни уюшган гуруҳ томонидан трансмиллий усулда ёки интернет тармоғида ўтказиш учун 15 — 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни назарда тутувчи банд киритилди.

Ушбу ўзгартиришлар ноқонуний наркотиклар муомаласи занжирларининг асосий бўғинларини йўқ қилишга, жамоат тартибини сақлаш ва гиёҳвандлик кенг тарқалишининг олдини олиш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

2

## Муносабат

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

*Олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаб, диплом билан катта ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир йигит-қизнинг ўз орзу ва мақсадлари бор. Кимдир етук муҳандис бўлишни истайди, ким қўли енгил шифокор, яна бири ўз бизнесини бошлашни режалаштиради. Бугун мамлакатимизда айнан шу — битирувчилар бандлиги масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.*

2026 йилда республика олий ўқув юртларини 320 минг нафар талаба битириши кутилмоқда. Бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги энг катта кўрсаткичдир. Масаланинг энг муҳим жиҳати, бу ёшлар эртага қаерда ишлайди? Улар олган билимлари билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўша оладими? Иш изловчи бўладими ёки иш ўринлари яратувчи кучга айланадими?

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган тақдимотда Президентимизга шу ва бошқа қатор саволлар юзасидан батафсил ҳисобот берилди.

Мамлакатимиз олий таълим соҳасида ҳақиқий ўзгаришлар рўй бермоқда. Янги университетлар ташкил этилди, қабул квоталари кенгайтирилди, хусусий ҳамда хорижий олийгоҳлар фаолиятига кенг йўл очилди ва натижада қамров даражаси бир неча баробар ўсди. Битирувчилар бандлиги эса нафақат меҳнат бозори, балки таълим тизимининг ҳам асосий мезонига айланди. Янги Ўзбекистонда шаклланаётган ёндашувнинг энг муҳим жиҳати ҳам шунда. Эндиликда диплом беришнинг ўзи етарли эмас. Олийгоҳ ўз битирувчисининг тақдири учун ҳам маълум даражада масъул бўлиши керак.

Президентимиз тақдимотда айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратди. Карьера марказлари фаолиятини кучайтириш, битирувчилар билан индивидуал ишлаш, уларни бўш иш ўринларига йўналтириш ва натижани қатъий назорат қилиш бўйича қатор вазифалар белгиланди.

2

## Йиғилиш



# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди ва унда Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлисини 2026 йил 13 июнь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.*

Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи бир қатор қонунлар муҳокамаси ўрин олган. Навбатдаги ялпи мажлисда суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор муҳим қонунлар муҳокама этилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, суднинг мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, ов қилиш ҳамда овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва халқаро молиявий муносабатларга оид қонунлар ҳам Сенат ялпи мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилган.

Шунингдек, ялпи мажлисда ипакчиликни ривожлантириш, пилла етиштириш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, озуқа базасини яхшилаш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, сенаторлар Марказий банкнинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитади.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2026 йил 13 июнь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

*Куни кеча Ўзбекистон ва Черногория парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари аъзоларининг онлайн мулоқоти бўлиб ўтди.*

## Онлайн учрашув

Учрашувда икки давлат ўртасидаги парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий, туристик ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Черногория ўртасида дипломатик муносабатлар 2006 йилда ўрнатилган ҳамда ўтган давр мобайнида икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётир.

Томонлар инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ҳамда қўшма ташаббусларни амалга ошириш орқали икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва туристик алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлашди.

Учрашув якунида парламентлараро ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми сифатида баҳоланиб, келгусида гуруҳлар доирасидаги мулоқотни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# КУН ТАРТИБИДА – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссия томонидан Сув хўжалиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларининг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 6-мақсади 6.1, 6.3 ва 6.4-вазифалар ижроси юзасидан ахборотлари эшитилди.*



Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув тизимларини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш борасида кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари соҳадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қайд этилганидек, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 6-мақсадида белгиланган юмушлар ижроси юзасидан мутасадди вазирликлар томонидан муайян ишлар уддаланмоқда. Жумладан, 2030 йилгача барча учун тоза ичимлик сувидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича белгиланган миллий мақсад ва вазифаларнинг ижроси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63 фоиздан 82,8 фоизга етказилган.

2

## Фикр

# РЕНОВАЦИЯ — ХУСУСИЙ МУЛК КАФОЛАТИ ДЕМАК

*Бугунги кунда аҳоли сонининг ортиши, эскирган уй-жой фонди, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг янгиланишга эҳтиёжи ҳамда замонавий инфратузилмага бўлган талаб шаҳарсозлик соҳасида янги ёндашувларни жорий этишни талаб қилмоқда. Бироқ ҳар қандай янгиланиш жараёнида фуқароларнинг қонуний манфаатлари, айниқса, хусусий мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги таъминланиши энг муҳим масала ҳисобланади.*

Президентимиз томонидан шу йил 10 июнь куни имзоланган “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги Қонун шаҳарларни модернизация қилиш билан бирга, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос ролини ўйнайди.

Мазкур ҳужжат реновация жараёнларини аниқ тартибга солиш, соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда давлат, инвестор ва аҳоли манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Аввало, қонунда шаҳарсозлик реновациясининг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Унга кўра яшаш учун хавф туғдираётган, эскирган ва авария ҳолатига келиб қолган биноларни замонавий талабларга жавоб берадиган объектларга алмаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда шаҳар муҳитини янада қулай ва хавфсиз қилиш кўзда тутилмоқда. Бу эса аҳолининг турмуш сифати ва ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилади.

2

# КИМЁ САНОАТИ: ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

*Ўзбекистон иқтисодиёти бугун мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланмоқда. Сўнгги йилларда саноат тармоқларида 3 минг турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши мамлакатимиз ишлаб чиқариш салоҳияти нақадар улкан эканидан далолат беради.*



## Нуқтаи назар

Яқинда Президентимиз раислигида кимё саноатини жадал ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши соҳадаги истиқболли йўналишлар ҳамда долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида сўнгги йилларда соҳага 8 млрд. 300 млн. доллар миқдорида инвестиция киритилиб, 87 та йирик қувват ишга туширилди. Кимё саноатида маҳсулотлар тури диверсификация қилинди. ПВХ, “яшил” водород, кўпикли полипропилен каби 60 дан зиёд юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Булар иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари учун мустаҳкам хомашё базасини яратди. Натижада соҳада экспорт ҳажми уч карра кўпайди ва бандлик кўрсаткичи 50 минг нафардан ошиб, минглаб оилаларнинг даромад манбаига айланди.

3



www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 13 июнь

# НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШ

1 Шу билан бир қаторда, бу турдаги жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида жиноий жавобгарлик чоралари оғирлаштирилмоқда. Эндиликда ўта оғир турдаги айрим наркожиноятлар учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби қўлланилмайди. Наркотикларни кўп миқдорда ўтказганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг қисқа муддати 15 йилдан бошланади. Агар кучли таъсир қилувчи моддаларни таълим ташкилотларида, озодликдан маҳрум қилиш жойларида, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда муомалага киритиш хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан амалга оширилса, унга нисбатан 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласини (ўтказиш мақсадисиз) кўп миқдорда ва такроран амалга оширганлик учун 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Наркотик моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганда эса 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланади.

Қонунда, шунингдек, бир қатор профилактик чора-тадбирларни кучайтириш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, вояга етмаганлар ва талабаларни наркожиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддани истеъмол этишга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланди. Шу пайтгача бундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилар эди.

Бундан ташқари, кучли таъсир қилувчи моддаларни айнан таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда истеъмол қилишга жалб қилганлик, шунингдек, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш, ташиш ва ўтказиш учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Кучли таъсир қилувчи моддаларни таълим ташкилотларида муомалага киритганлик учун эса 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Ушбу қонун гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликка қарши курашнинг янги босқичи бўлиб, у аҳолимиз саломатлиги ва генофондини ҳимоя қилиш, ёшларимизни фожиавий йўлдан асраб қолишга қаратилгандир.

**«Халқ сўзи».**

**Сенат қўмиталарида**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати қўмиталари йиғилишларида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини кучайтириш, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий кенгашлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар муҳокамаси бўлиб ўтди.*

Хусусан, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун расмий статистика соҳасида амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг янги ҳуқуқий мақомига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, расмий статистика соҳасидаги ваколатли давлат органининг вазифа ҳамда ваколатлари аниқлаштирилмоқда, Республика статистика кенгашининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланиб, статистика дастурларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун билан Марказий банкнинг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини соддалаштирилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилмоқда. Бу эса пул-кредит сиёсати, банк назорати, таваккалчиликларни бошқариш ҳамда тўлов тизимларини тартибга солиш соҳасида қабул қилинадиган қарорларнинг тезкорлигини таъминлашга ҳисса қўшади. Бундан ташқари, Марказий банк, унинг ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини текшириш тартиби аниқлаштирилиб, мазкур институтнинг мустақиллиги ва парламент олдидаги ҳисобдорлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланмоқда.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг мажлисида ҳам қатор масалалар муҳокама этилди.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини кучайтириш, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий кенгашлар, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини янада кенгайтириш, коррупцияга оид жиноятларнинг аниқ рўйхатини белгилаш, давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий омилларни камайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилянпти.

Жумладан, Жиноят кодексида “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атама ва уларнинг аниқ рўйхати белгилаб қўйилмоқда. Бундан ташқари, пора олиш, пора бериш ва бу жараёнда воситачилик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этиш институтининг қўлланилиши тақиқланмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам сенаторлар ҳамда мутахассислар томонидан кўриб чиқилди.

Қонун билан халқ депутатлари Кенгашларининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилганидан бошқа ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланиши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг раислари Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашларга раислик қилиши мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга, Олий Мажлис Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)нинг парламент билан боғлиқ фаолиятини тартибга солишга, унинг вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш, суд ҳамда жиноий жазоларни ижро этиш жараёнларидаги ролини оширишга доир қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Муҳокамалар якунида қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Ўрганиш**

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

*Олий Мажлис Сенати аъзоси Б. Абдуллаев Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Жомбой ва Оқдарё туманларида маҳаллий Кенгашлар фаолияти, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда давлат дастурлари ижросини ўрганди.*

Жараёнда халқ депутатлари Самарқанд шаҳар, Жомбой ва Оқдарё туманлари Кенгашлари фаолияти таҳлил қилинди. Котибият ходимлари, доимий комиссиялар раислари ва депутатлар иштирокида очиқ мулоқотлар ўтказилиб, жорий йилнинг 6 июнь куни Олий Мажлис Сенати Раисининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан бўлиб ўтган учрашувида айтилган камчиликларга урғу берилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Жомбой туманида фуқаролар қабули ташкил қилинди. Унда аҳолидан келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилиб, туман ҳокимлиги ва тегишли масъуллар билан бирга уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

Туман тиббиёт бирлашмасида амалга оширилаётган 3 млрд. сўмлик “Соғлик — туман бойлик” лойиҳаси ижроси ҳам ўрганилди. Ушбу лойиҳа Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг қарорига асосан ғолиб топилган. Лойиҳа доирасида болалар реанимацияси бўлимини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда замонавий кутиш зали қурилиши ишларининг бориши кўздан кечирилди ва лойиҳани ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ушбу ҳудуддаги 32 ва 28-умумтаълим мактабларида бажарилаётган қурилиш ва реконструкция ишлари ҳам ўрганилди. Хусусан, 28-мактабда давлат дастури доирасида 10 млрд. сўм маблағ эвазига амалга оширилаётган реконструкция ишларининг бориши таҳлил қилиниб, объектларни белгиланган муддатларда ва юқори сифатда фойдаланишга топшириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жомбой туманининг Найман маҳалласида ташкил этилган малина плантацияси фаолияти ҳамда Оқдарё туманидаги оилавий поликлиника учун қурилаётган янги бино кўздан кечирилди.

Якунда Самарқанд вилояти Кенгашининг мажлислар залида “ZOOM” платформаси орқали туман ва шаҳар Кенгашлари котибияти ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда ўрганишлар натижалари, аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилиниб, масъулларнинг ҳисоботлари тингланди.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар раислари, котибият мудирлари ва депутатлар ўз фикрларини билдирди. Жумладан давлат мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда янги боғчалар қуриш ва улар учун зарур штат бирликларини ажратиш, мактабгача таълим соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Ўтказилган ўрганишлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳада лойиҳалар ижросини таъминлаш ва аҳоли мурожаатларига ечим топиш борасидаги ишлар ҳолатини баҳолаш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

# ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛЯПТИ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Зумрад Бекатова халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутатлари билан биргаликда Чироқчи, Китоб, Ғузор ва Қарши туманларида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганди.*

**Сайёр қабул**

Жараёнда маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли билан бевосита мулоқотни кучайтириш ва ҳудудлардаги долзарб муаммоларни жойида ҳал этиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашлари котибиятларидаги шароитлар, депутатлик сўровлари ижроси, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Учрашувлар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, шунингдек, тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди. Айни чоғда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва иш ўринлари ташкил этиш бўйича олиб борилаётган вазифалар билан танишилди.

Сайёр қабуллар давомида фуқароларнинг уй-жой, ижтимоий ҳимоя, кредит ажратиш, бандлик, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ҳуқуқий масалаларга оид мурожаатлари тингланди ва ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Хусусан, фуқаро Д. Суюнованинг тураржойини кадастр ҳужжатлари билан расмийлаштириш ва ижтимоий ҳимоя реестри орқали ссуда маблағи олиш билан боғлиқ мурожаати юзасидан амалий чоралар белгиланди. Фуқаро Г. Холмўминовага тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида тикувчилик анжомлари харид қилиши учун 50 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқаро С. Қулматовнинг мерос бўлиб келаётган ер участкаси ва уй-жойга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш жараёнида юзага келган техник хатони бартараф қилиш бўйича мурожаати ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқилиб, унга қонуний ечим топиш чоралари белгиланди.

Мулоқотлар чоғида аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар, хусусан, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масалалари эътибор марказида бўлди.

Ўрганиш якунида фуқаролар томонидан кўтарилган мурожаат ва таклифлар назоратга олиниб, уларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар масъуллари билан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

# КУН ТАРТИБИДА – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

1 Шунингдек, миллий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 36 минг километрдан зиёд ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилган, 3,5 мингдан ортиқ иншоотлар қурилган. Республикада мавжуд 255 та оқова сув иншооти орқали 8,3 млн. нафар аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Эшитувда таъкидланганидек, 2030 йилгача иқтисодиётнинг барча секторларида сувдан фойдаланиш унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишлар сув ресурсларини самарали бошқариш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, ирригация ва мелиорация инфратузилмасининг модернизацияси ҳамда соҳани рақамлаштириш сув ресурсларини тежашга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 2022 йилда 7 млрд. кубометр сув иқтисодига эришилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 10 млрд. кубометрни ташкил этган. 2026 йилда ушбу кўрсаткични 11 млрд. кубометрга етказиш режалаштирилган.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан ичимлик суви ва оқова сув хизматлари қамровини ошириш билан бир қаторда ичимлик суви сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, сув йўқотишларини камайтириш, сув тежовчи технологиялар учун зарур эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш, бу борада ажратилаётган бюджет ва субсидия маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, мавжуд сув ресурсларининг ифлосланишини янада камайтириш, оқова сувларни қайта ишлатиш ҳажмини ошириш, оқова сув иншоотларини реконструкция ва модернизация қилиш ишларини жадаллаштириш, ичимлик суви тармоқларини қуришда сифат кафолатини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижроси натижадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш, бу борада ижро ҳокимияти органлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Якунда муҳокама этилган масала юзасидан таклиф ва тавсиялар асосида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.


**«Халқ сўзи».**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

1 Кўп йиллар давомида айрим олийгоҳларда карьера марказлари фаолияти расмий тадбирлар билан чекланиб қолгани сир эмас. Эндиликда вазият ўзгармоқда. Президентимиз томонидан ушбу марказлар фаолиятини “Битирувчи сифати индекси” орқали баҳолаш таклиф қилингани бежиз эмас. Бу ёндашув олийгоҳлар олдига мутлақо янги талаб, яъни сиз қанча талабага диплом бердингиз эмас, балки қанча талабага ҳаётда муваффақият қозониш имконини яратдингиз деган савол қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, бугун дунё иқтисодиётида энг катта ўзгаришлардан бири тадбиркорлик тафаккурининг кенгайиб бораётганидир. Аввалларои яхши иш топиш муваффақият ҳисобланган бўлса, ҳозир яхши ғоя асосида бизнес бошлаш ва бошқалар учун ҳам иш ўрни яратиш янада юқори баҳоланмоқда.

“Келажакка қадам” дастури бугун ёшлар бандлигини таъминлашда амалий ва самарали воситалардан бирига айланиб бораётганини ҳам эътироф этиш зарур. 2025 йилнинг ўзида ушбу дастур доирасида 378 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилиб, 6 мингдан ортиқ лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди ва 8 минг нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу жараён бир маротабалик ёрдам сифатида эмас, балки узлуксиз ҳаракатга асос бўлиб шаклланмоқда. Жорий йилга мўлжалланган режалар ҳам бу йўлнинг давомийлигини кўрсатади: дастур доирасида 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш ва яна минглаб ёшларни тадбиркорликка жалб этиш кўзда тутилмоқда. Йўналтирилаётган сармоялар эса ёшлар келажагига киритилган инвестициядир.



Яна бир муҳим янгилик — меҳнат ярмаркалари, воркшоплар ва иш берувчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотларнинг кенгайтирилаётгани. Бугунги иш берувчи назарий билим билан бирга амалий кўникмага ҳам эътибор қаратади. Талаба меҳнат бозорига чиққандан кейин эмас, ўқиш давомидаёқ келажак иш берувчиси билан танишиши керак.

Шу маънода, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб барча олийгоҳларда Тадбиркорлик асослари фани жорий этилиши ҳам давр талаби ҳисобланади. Чунки замонавий иқтисодиёт шароитида ҳар қандай соҳада ишлайдиган мутахассис бозор қонунларини тушуниши лозим.

Тақдимотда илгари сурилган ташаббусларнинг барчаси битирувчи атрофида қурилган. Карьера маркази, меҳнат ярмаркаси, тадбиркорлик дастури, дуал таълиму рақамли мониторинг тизими ҳам битта мақсад — ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилади.

**Покиза АҲМЕДЖОНОВА,**
**халқ депутатлари**
**Сирдарё вилояти**
**Кенгаши раиси,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# РЕНОВАЦИЯ — ХУСУСИЙ МУЛК КАФОЛАТИ ДЕМАК

1 Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири — реновация жараёнида ихтиёрийлик тамойилининг қатъий мустаҳкамланган. Эндиликда шаҳарсозлик реновацияси лойиҳасини бошлаш учун ҳуқуқ эгалари билан нотариал тартибда келишув битими имзоланиши шарт. Бу норма фуқароларнинг розилигисиз ҳеч қандай реновация ишлари амалга оширилмаслигини англатади. Бошқача айтганда, мулкдорларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай иқтисодий ёки қурилиш манфаатларидан устун қўйилмоқда.

Ҳужжатда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам алоҳида кафолатланмоқда. Давлат хусусий мулк ҳуқуқининг кафолати учун барча зарур шарт-шароитларни яратиши, давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан мулкдорларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Энг муҳими, ҳеч ким суд қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги қонун даражасида мустаҳкамланган.

Бу норма нафақат ҳуқуқий кафолат, балки жамиятда хусусий мулкка бўлган ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим тамойилдир. Зеро, мулк ҳуқуқининг ишончли ҳимояси иқтисодий барқарорлик ва инвестиция муҳитининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, реновация жараёнида ҳуқуқ эгалари ва давлат органлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган барча зиддиятлар ҳамда ноаниқликлар ҳуқуқ эгасининг фойдасига талқин этилиши назарда тутилмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиради ва қарор қабул қилишда инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлайди.



Қонунга мувофиқ шаҳарсозлик реновацияси турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, мавжуд объектларнинг асосий конструкцияларини сақлаб қолган ҳолда реконструкция қилиш, эски биноларни бузиб, улар ўрнида янги объектлар қуриш ёки яшил ҳудудлар ҳамда бошқа функционал зоналар ташкил этиш назарда тутилган. Бу ёндашув шаҳарларнинг архитектура қиёфасини замонавийлаштириш билан бирга экологик барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Реновация ташаббуси фақат давлат органлари томонидан эмас, балки ҳуқуқ эгалари ёки учинчи шахслар томонидан ҳам илгари сурилиши мумкин. Бу механизм аҳолининг ўз яшаш муҳитини яхшилаш борасидаги фаоллигини оширишга, фуқаролик жамияти институтларини иштирокини кенгайтиришга имкон беради.

Мазкур ҳужжатда реновация лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурий тартиб сифатида белгиланди. Лойиҳалар тегишли халқ депутатлари Кенгашларига киритилиши билан бир вақтда, махсус электрон платформа, оммавий ахборот воситалари ва расмий веб-ресурслар орқали кенг муҳокамага қўйилади. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳоли фикрини инобатга олиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ушбу қонун ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини янги, хавфсиз ва энергия тежовчи уй-жойлар билан таъминлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, ижтимоий объектлар қурилишини жадаллаштириш ҳамда ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади. Шунингдек, нафақат шаҳарларнинг замонавий қиёфасини шакллантиришга, балки фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини янада мустаҳкам ҳимоялашга хизмат қилади. Энг муҳими, реновация инсон қадри, хусусий мулк дахлсизлиги ва адолат тамойиллари устувор бўлишини таъминлайдиган муҳим ҳуқуқий механизм сифатида ҳаётда намоён бўлади.

**Раҳматилло ШУКУРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Президентимиз қарорига кўра, мамлакатимизда 2026 йил 1 июндан ҳар йилнинг июнь — август ойларида «Очиқ туризм мавсуми» дастури эълон қилинади.**

Парламент назорати

# БОЛАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан аҳоли, айниқса, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар доимий парламент назоратида олиб борилмоқда.*

Қўмита аъзоси Екатерина Смесова Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб, ёзги дам олиш мавсумини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Мазкур оромгоҳ болаларнинг соғлом дам олиши учун барча имкониятларни ўзида мужассам этган. Мусаффо тоғ ҳавоси, соя-салқин дарахтлар, гулзорлар ва мевали боғлар болалар учун соғлом муҳит яратган.

Ўрганишлар давомида болалар дам олишини ташкил этишда хавфсизлик масаласи қай даражада таъминланганига эътибор қаратилди. Маълум бўлганидек, оромгоҳда бу борада барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилган. Замонавий видеокузатув тизимлари орқали оромгоҳ ҳудуди тўлиқ мониторинг қилиб борилмоқда. Шу билан бирга, болалар саломатлигини муҳофаза этиш мақсадида кеча-кундуз фаолият юритувчи тиббиёт пунктида малакали шифокор ва ҳамшираллар томонидан зарур тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Оромгоҳда болаларнинг соғлом овқатланишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт, шунингдек, маданий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказилиб, болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва маданий меросга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

**Екатерина СМЕСОВА, қўмита аъзоси:**



*— Оромгоҳ тарбияланувчилари билан очиқ мулоқот ўтказдик. Суҳбатимиз самимий руҳда кечди. Мулоқот жараёнида ёшларнинг юксак билимга интилиши ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси юқори эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Ўз навбатида, уларга мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот бердик. Болалар учун тақдим қилинаётган ҳар бир имконият, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши учун киритилаётган ҳар бир сармоя мамлакатимиз келажагига қаратилган энг муҳим инвестиция эканини таъкидлаган ҳолда, тарбияланувчилар саволларига батафсил жавоб бердик.*

# МУАММО ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги “Олтинкўл” овул фуқаролар йиғинига борганида фуқаролар кўп йиллардан буён ичимлик суви танқислигини айтишган эди.*

Халқ вакили аввал кўтарилган муаммони атрофлича ўрганиб, тегишли вазирлик ва идоралар, масъул ташкилотлар билан амалий мулоқотлар олиб борди. Ниҳоят изчил саъй-ҳаракатлар ва ҳамкорликдаги ишлар натижасида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида “Олтинкўл” ОФЙга қарашли 25 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Кўнғирот туманидаги Қаратал маҳалласи аҳолиси ҳудуддаги 23 та кўчадан 7 тасида ичимлик суви тармоқлари мавжуд эмаслиги, яна 8 та кўчада аввалги қувурлар эскириб, тўлиқ яроқсиз ҳолга келгани ҳақида ҳам халқ вакилига мурожаат қилган эди.

Фуқароларнинг айтишича, мавжуд тармоқларда сув босимининг пастлиги аҳолининг кундалик турмуш тарзида жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Бугунги кунда мазкур ҳудудда ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Кўнғирот туманидаги 22 та маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган.



**Гулжан ХАЛМУРАТОВА, депутат:**

*— Бизга мурожаат этган Қаратал маҳалласида ҳам 421 та хонадонга янги ичимлик суви тармоқларини тортиш, 224 та хонадонда эса мавжуд тармоқларни тўлиқ реконструкция қилиш режалаштирилган. Бироқ ўрганишлар жараёнида мазкур ишлар тўлиқ ва сифатли амалга оширилмагани, натижада аҳоли ҳанузгача ичимлик суви таъминотида қатор қийинчиликларга дуч келаётгани аниқланди. Шу мақсадда мазкур масала юзасидан “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти раҳбарияти номига депутатлик сўрови юбордик.*

# ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ТЕХНОПАРКДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзолари ҳамда бир гуруҳ депутатлар Тошкент вилоятида жойлашган “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида бўлди.*

Депутатлар дастлаб саноат тармоғини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги, давлат томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижадорлиги ва тармоқ олдида турган долзарб вазифалар билан танишди. Уларга кимё саноатини модернизация қилиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишида олиб борилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда саноатни модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларда миллий маҳсулотлар улушини кенгайтириш устувор аҳамият касб этмоқда. Бу борада “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки муҳим ишлаб чиқариш майдонларидан бири ҳисобланади. Умумий майдони 26,4 гектар бўлган технопарк кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит яратиш мақсадида ташкил этилган.

Ўтган йил бу ерда 56 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 758 та янги иш ўрни яратилган. Шунингдек, 150 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, уларнинг умумий қиймати 60 млн. долларга етган.

Келгусида технопарк фаолиятини янада кенгайтириш режалаштирилган. Хусусан, 2030 йилга қадар инвестициялар ҳажмини 207 млн. долларга, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 294 млн. долларга, экспорт кўрсаткичларини 48 млн. долларга етказиш ҳамда иш ўринлари сонини 2300 тага ошириш кўзда тутилган.

**Равшан ФОЗИЛОВ, қўмита аъзоси:**



*— Мулоқот жуда самимий бўлди. Тадбиркорларни батафсил эшитдик. Ишлаб чиқариш қувватлари, инвестиция дастурларининг амалга оширилиши, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратдик. Шунингдек, технопарк фаолиятини янада ривожлантириш, инвестиция муҳитини такомиллаштириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни тезлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турларини кўпайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни, таклифларимизни билдирдик.*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

КИМЁ САНОАТИ:

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

1 Кимё саноати замонавий иқтисодиётнинг таянч устуни ҳисобланади. Уни кўпинча “саноатлар саноати” деб аташади, чунки бошқа барча тармоқ — қурилиш, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика соҳалари кимё саноати маҳсулотларисиз фаолият юрита олмайди. Кимё саноати иқтисодиёт учун хомашё базасини шакллантирувчи асосий бўғиндир. Замонавий кимё, бу — “яшил” водород, янги композит материаллар ҳамда биокимё демак. Бу иқтисодиётни янада юқори технологик даражага кўтариши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг кимё саноати учун улкан табиий ресурслари — газ, фосфорит, калий тузлари мавжуд. Шу ўринда кимё саноатидаги истиқболли йўналишлар ҳақида тўхталиш жоиз. Биринчиси, газкимё кластерлари бўлиб, табиий газни шунчаки ёқиб юбормай, уни ПВХ, полипропилен каби қимматбаҳо полимерларга айлантириш муҳим ўрин тутади. Иккинчиси, “яшил” кимё водород энергетикаси ва экологик тоза ўғитлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга имкон беради. Учинчиси, хусусий секторнинг ўсишига эришиш ҳисобланади. Бунда давлат монополиясидан воз кечиб, хусусий инвестицияларни жалб этиш орқали кичик ва ўрта кимёвий корхоналарни кўпайтириш лозим.

## Ўсиш даврини бошдан кечираётган соҳа

Ўзбекистон кимё саноати ҳозирда ўсиш даврини бошдан кечирмоқда. Агар 4,5 млрд. долларлик импорт қилинаётган маҳсулотлар ичкарида ишлаб чиқарилса, бу нафақат саноатни, балки бутун мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)-ни сезиларли даражада оширади. Асосий муаммо хомашёни чуқур қайта ишлайдиган заводларни тезроқ ишга тушириш ва уларга замонавий бошқарувни олиб киришдир.

Йиғилишда соҳадаги ютуқлар эътироф этилиши билан бирга, мавжуд камчиликларга ҳам танқидий ёндашилди. Рақамлар тилга олинганда, бир қатор оғриқли нуқталар ойдинлашди. Мамлакатимиз саноати сўнгги 9 йилда ўртача 6,3 фоизга ўсган бўлса-да, кимё саноатида бу кўрсаткич 3 фоизга ҳам бормаган. Кимё маҳсулотлари импорти 4 баробар ошиб, йилига 4,5 млрд. долларга етгани тармоқдаги ички имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаганидан далолат беради.

Аслида юртимизнинг улкан табиий бойликлари ва хомашё ресурсларини ҳисобга олсак, бу рақамлар кимё саноатида ҳали жуда катта бўш қатлам борлигини кўрсатади. Видеоселектор йиғилишида ҳам айнан шу муаммоларга эътибор қаратилди. Энг аввало, кўпгина эски заводлар энергия самарадорлиги паст бўлган эски технологияларда ишламоқда. Йилига 4,5 млрд. долларлик маҳсулот импорт қилиниши ички талабнинг тўлиқ қондирилмаётганини кўрсатади. Кўпгина хомашёлар ҳали ҳам четдан сотиб олинади. Кимё саноати учун керакли юқори малакали муҳандислар ва илмий тадқиқотлар (R&D) сони тармоқнинг жадал ривожланишига мос эмас. Кимё корхоналари атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. Замонавий тозалаш иншоотлари ва экологик стандартларни жорий этиш жуда қиммат ва мураккаб жараён.



Чуқур таҳлиллар асосида белгилаб берилган муҳим вазифа — импорт қилинаётган 4,5 млрд. долларлик маҳсулотларни ички имкониятлар ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Президентимиз соҳа мутасаддилари олдига кимё тармоғини саноатнинг ҳақиқий драйверига айлантириш, янги инвестиция лойиҳаларини ҳудудлар кесимида жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш занжирини янада чуқурлаштириш топшириғини қўйди.

Кимё саноати — замонавий иқтисодиётнинг пойдевори. Унинг ривожланиши тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва автосаноат каби барча тармоқларга ижобий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ушбу янги босқич иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда Янги Ўзбекистон саноат салоҳиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш йўлидаги дадил қадамдир.

## Замонавий дунё талаби қандай?

Фақатгина тайёр хомашёга таяниб иқтисодий муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бугун дунё бозорида илмга асосланган, инновацион ва юқори технологияли маҳсулотлар биринчи ўринга чиқди. Йиғилишда кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифалар мамлакатимизда ушбу соҳани мутлақо янги — илмий-амалий пойдеворга қуриш бошланганидан далолат беради.

Эндиликда кимё саноатида таълим, тадқиқот, замонавий лаборатория ҳамда стартапларни қамраб олган яхлит экотизим яратилади. Соҳани ривожлантириш йўлидаги энг йирик ва стратегик қадамлардан бири — Мирзо Улуғбек туманида барпо этиладиган 60 гектар майдонга эга инновацион илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластери. Бу ерда шунчаки янги бинолар қурилмайди, балки ўзбек кимё саноатининг келажагини белгилаб берувчи интеллектуал марказ яратилади.

Кластернинг асосий хусусиятларига келадиган бўлсак, муҳими, илм ҳамда амалиёт бирлиги таъминланади. Талабалар ҳамда ёш олимлар назарий билимларни бевосита замонавий лабораторияларда ва синов ишлаб чиқариш майдонларида синаб кўришади. Жаҳоннинг энг илғор технологияларига эга давлатлардан бири — Жанубий Корея билан ҳамкорликда кластер таркибида Ўзбекистон — Корея кимё технологиялари инновация маркази ташкил этилади. Марказда амалга ошириладиган тажрибасинов ишлари билан боғлиқ харажатларнинг ярми давлат томонидан қоплаб берилади. Бу стартаплар ва ёш тадқиқотчилар учун кучли молиявий рағбат бўлиб, янги маҳсулотлар яратилишини тезлаштиради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон кимё саноатининг истиқболини таъминлаш учун умумий қиймати 17 млрд. долларлик 350 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш бўйича йирик дастур ишлаб чиқилмоқда. Бу маблағлар хориждан олиб келинаётган ва иқтисодиётимиз учун зарур бўлган кимёвий воситаларни ўзимизда ишлаб чиқаришга, янги турдаги полимерлар, минерал ўғитлар ва юқори технологияли кимё маҳсулотлари корхоналарини барпо этишга йўналтирилади. Бундай “инвестициявий ҳужум” яқин йилларда мамлакатимизни минтақанинг энг йирик кимёвий хабига айлантиришга хизмат қилади.

Президентимиз ушбу марраларга эскича бошқарув усуллари билан эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Шу боис тармоқнинг бош байроқдори бўлган “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятини трансформация қилиш бўйича қатъий топшириқлар берилди. Бундан буён ушбу ташкилот фаолияти фақат режа ҳамда рақамлар кетидан қувиш эмас, балки халқаро корпоратив бошқарув стандартларига ўтиш, коррупциядан холи тизим яратиш ва ҳар бир лойиҳани чуқур илмий асосланган ҳолда амалга ошириш тамойилига таянади.



- Ўзбекистон кимё саноати истиқболи учун умумий қиймати **17 млрд. долларлик 350 дан зиёд** инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш бўйича йирик дастур ишлаб чиқилмоқда.
- Мамлакатимизда келгуси уч йилда умумий қиймати **2 млрд. 800 млн. долларлик 42 та** лойиҳа ишга туширилади.

**Натижада 2030 йилгача:**

- азотли ўғитлар 2,8 млн. тоннадан **4 млн. тонна**га;
- фосфорли ўғитлар 400 минг тоннадан **900 минг тонна**га;
- сувда эрувчан ўғитлар 100 минг тоннадан **400 минг тонна**га етказилади.

## Илм, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси

Кимё саноатида илм, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бирлаштирилиши Ўзбекистоннинг саноат мустақиллигига ташланган энг тўғри қадамдир. Илмга сармоя киритилмас экан, ҳеч бир соҳада рақобатбардош бўлиш мумкин эмас. Янги ташкил этилаётган инновацион кластер ҳамда 17 млрд. долларлик лойиҳалар яқин келажакда юртимиз иқтисодиётига минглаб янги иш ўринлари, миллиардлаб долларлик экспорт даромадлари ва энг муҳими, юқори малакали маҳаллий олимлар авлодини тақдим қилади.

Дарвоқе, бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалиги ва саноати трансформация босқичини ўтамоқда. Мамлакатимизда йилига 1,5 млн. тонна аммиакли селитра ишлаб чиқариш учун 1 млрд. 70 млн. кубометр табиий газ сарфланмоқда. Бу улкан ресурс дегани. Шу боис илғор давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, анъанавий селитра истеъмолини камайтириш, унинг ўрнига қишлоқ хўжалигида карбамид ҳамда сувда эрувчан ўғитлар, тоғ-кон саноатида эса ғоваксимон селитрадан фойдаланишга ўтиш чоралари кўрилади. Таннархи бир хил бўлган ғоваксимон селитрада қўшилган қиймат оддий селитрага нисбатан 2 баробар юқори ва бу ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш қанчалик фойдали эканини кўрсатади.

Ўзбекистон тупроғи остида яширинган бойликлар кимё саноатини хомашё билан бемалол таъминлай олади. Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Навоийдаги 550 млн. тонна натрий ва калий, 20 млн. тонна бентонит захирасини чуқур қайта ишлаб, каустик сода олиш орқали қўшилган қийматни 3 баробар ошириш мумкин. Жиззах ҳамда Қорақалпоғистондаги серпентинит захирасига сульфат кислотаси билан ишлов берилса, тоннаси нақд 5000 доллар турадиган магний оксиди олинади. Ушбу хомашё янада чуқур қайта ишланса, электротехника саноати учун ўта зарур бўлган никель, хром ва кобальт металлари ажратиб олинади. Бу мақсадлар учун яқин уч йилда хомашё захираларини 2 баробар ошириш дастури қабул қилинади ва серпентинитни қайта ишлашга 200 млн. долларлик лойиҳалар йўналтирилади.

Кимё саноатининг ушбу улуғвор истиқболи мутлақо янги авлод кадрларини талаб қилади. Эндиликда оддий технологлар эмас, балки нанокимё, “яшил” кимё, супермолекуляр кимё ва сунъий интеллект асосида кимёвий модель яратувчи замонавий олим ва мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Келгусида Ўзбекистон кимё саноати ички эҳтиёжни қондириш билан бирга, минтақавий ва глобал миқёсда рақобатбардош юқори технологик тармоққа айлантирилади. Кимёдаги ислоҳотлар эса бу борадаги ишларга янгича суръат бағишлаши, шубҳасиз.

**Ботир УСМОНОВ, Тошкент кимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

Тавсия

# КУТИЛМАГАН ХАВФДАН САҚЛАНИНГ

*Ёзда кўпчилик ёшлар, ишчи-хизматчилар ҳордиқ чиқариш мақсадида салқинроқ жой излаб, саёҳатга отланади. Баъзан оилавий дам олиш мақсадида баҳаво тоғ ёнбағридаги очиқ сув ҳавзалари, анҳор ва кўлларга боради.*

Дам олиш масканлари, чўмилиш ҳавзалари, айниқса, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари гавжум бўлади, чўмилувчилар сони ортади. Албатта, фусункор табиат бағрида чигилни ёзиш, чарчоқни унутиб ҳордиқ чиқаришга, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Бироқ айрим ҳолларда чўмилиш ҳодисалари кўнгилсизлик билан тугаётганлиги ачинарлидир. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя этмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир. Яна бир ҳолат: аввало, чўмилаётганда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки сув остида турли шиша синиқлари, идишлар, металл ва бошқа қаттиқ жисмлар ҳам бўлиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, чўмилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, қутқарув усулларидан бехабарлик нохуш ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Ёки сузиш пайтида ўз кучига ортиқча ишониш, нотаниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурида “Сувда қутқарув” гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ушбу таркибдаги ходимлар зиммасига чўкаётган одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишдек масъулият юкланган. Айни ёзги мавсумда юзлаб қутқарувчи-ғаввослар жойларда хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётир. Хавфсизлик чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув тузилмаларини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо афсуски, сувга ғарқ бўлганларнинг аксарияти қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида кўпроқ кузатиляпти. Ачинарлиси, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини болалар ташкил этаётганидир. Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган бундай кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар республикамиз вилоятларидан ФВВ навбатчилик қисмига тез-тез келиб турибди.

Ҳар бир инсон чўмилиш учун ажратилган сунъий ва табиий ҳавзаларга борганда белгиланган кўрсатмаларга қатъий риоя қилиши керак. Ўз навбатида, одамлар гавжум бўлган чўмилиш масканларида сувдан қутқариш хизматининг транспорт воситалари, моторли қайиқлари, тезкор алоқа шай ҳолда туради. Қолаверса, бу бўйича қўшимча равишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари, телевидение ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир ҳам чўмилиш рухсат этилган юртимиз сув ҳавзаларида ғаввослар томонидан ҳар куни қидирув-қутқарув ишлари доимий тарзда олиб борилмоқда. Шу боис махсус журналда ҳаёти сақлаб қолинган бир неча ўнлаб инсонларнинг, уларнинг яқинларининг миннатдорлик сўзларини ўқиш мумкин. Айни чоғда эса қутқарувчилар огоҳ бўлишни, чўмилганда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишни тавсия этмоқда.

**Азамат СУЮНОВ, журналист.**

**Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги сув таъминоти оғир бўлган «Қиргули» МФЙ ҳудудига қарашли 28,6 гектар ер майдонида томчилатиб суғориш тизими асосида писта ва бодом плантациялари ташкил этилади.**

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 13 июнь

## Элёр ЭШМУҲАММЕДОВ:

# САНЪАТ ИНСОН ҚАЛБИДА, АВВАЛО, ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШИ КЕРАК

*Нуфузли экспертлар ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий кино санъатининг юксалиш даври кузатилаётганини таъкидлашмоқда. Шулардан бири — ўз фаолиятининг илк давридаёқ ўзбек кинематографиясининг мумтоз намунасига айланган асарларни яратган машҳур кинорежиссёр, сценарист, Ўзбекистон халқ артисти, С. А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти профессори Элёр Эшмуҳаммедов. У бугун, 84 ёшида ҳам кўплаб ижодий ишларда, жумладан, мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган ноёб ва кенг қамровли "Тирик тарих" лойиҳасида фаол иштирок этмоқда.*

**Эксклюзив интервью**

**— Элёр Муҳиддинович, бу йил сизнинг "Нафосат" деб номланган илк фильмингиз яратилганига 60 йил тўлади. Ушбу фильм ҳаётингизда қандай ўрин тутган?**

— "Нафосат" фильми 1966 йилда Бутунроссия давлат кинематография институтини тамомлаётган пайтимда диплом ишим бўлган. Унинг сценарийсини Одилшо Агишев ёзган. Фильмда ўша даврнинг ёш кино юлдузлари — Родион Нахапетов, Мария Стерникова, Мадина Маҳмудова, Рустам Саъдуллаев, Шуҳрат Эргашев ва бошқа кўплаб актёрлар роль ижро этган.

Кино санъати учун масъул идоралар дастлаб фильмни кескин танқид қилди: ғоялари тушунарсиз, мавҳум, социалистик реализм талабларига жавоб бермайди, дейишди. Аммо бахтимизга, фильм республика раҳбариятига маъқул бўлди.

Фильм катта экранларга чиққанидан кейин кенг жамоатчилик ўртасида катта акс садо берди. Танқидчилар унда итальян неореализми усталари ва француз "янги тўлқини" таъсири, 1960-йиллар Марказий Осиё кинематографиясидаги "илиқлик даври" руҳи сезилиши ҳақида ёзди. Албатта, мен Федерико Феллини ижоди таъсирида бўлганман. Чунки унинг барча фильмлари инсон ва ҳаёт ҳақида. У ҳақиқатан ҳам буюк режиссёр эди!

Илк фильмим — "Нафосат" Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди. Франкфуртда бўлиб ўтган Осиё мамлакатлари фильмлари халқаро ҳафталигининг "Энг яхши режиссура учун" ҳамда танқидчилар мукофотларига сазовор бўлди. Шунингдек, Локарно (Швейцария) ва Пезаро (Италия) халқаро кинофестивалларида ҳам муваффақият қозонди. Ушбу киноасар Франция кино санъати академияси талқини бўйича жаҳоннинг энг машҳур юзта киноасари қаторига киритилган. Ўша пайтда Франциянинг "Комба" газетаси "Нафосат" совет киносининг ўта зерикарли дастуридаги ягона кашфиётдир", деб ёзган эди.

Бу муваффақият менга катта ишонч ва илҳом бағишлади. Унинг ортидан томошабинлар меҳрини қозонган бошқа фильмлар ҳам яратилди.



**— Кинематографиямизнинг "олтин фонди"га кирган "Нафосат", "Севишганлар", "Даҳонинг ёшлиги" ва бошқа қатор фильмларингиз Оскар мукофотига сазовор бўлган киноасарлар даражасида турли платформаларда юқори рейтингларни сақлаб келмоқда.**

**Ижозатингиз билан томошабинларнинг бир нечта фикрларини келтириб ўтсам: "Фақат қалби очиқ ва пок инсонгина одамлар ўртасидаги самимий ва беғараз муносабатлар ҳақида шундай фильмлар ярата олади". "Севишганлар" энг севимли киноларимдан бири. Бу бизнинг ёшлигимиз". "Фильмлар ҳайратланарли. Уларни қайта-қайта томоша қилишдан чарчамайман. Бу асарларда муҳаббат, романтика ва ёшлик туғёни мужассам". "Ушбу фильмлар барча замонда ҳам эскирмас картиналардир". "Севишганлар" — энг яхши фильм!". "Бу биз мансуб бўлган авлод руҳиятининг ифодасидир. Бойликка қизиқишсиз, соф туйғу ва интилишлар билан кечган бутунлай бошқа ҳаёт. 60-йиллар даври ўтиб кетди, аммо бу давр ҳақидаги хотиралар йўқолгани йўқ". "Бу фильмнинг бошқаларга ўхшамаган гўзаллиги ва нафосатини дарҳол ҳис қилганман... Киноасарга Б. Троцюк ёзган мусиқа тасвир билан ажралмас бир бутунликни ташкил этади..."**

**Сизнингча, томошабинлардаги фильмларингизга нисбатан бундай меҳрнинг сири нимада? Кино оламига энди кириб келаётган ёш режиссёрларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

— Фильмларим ҳақида бундай самимий фикрларни эшитиш мен учун, албатта, жуда ёқимли. Улар ҳали ҳам мухлислар қалбида яшаб келаётганидан хурсандман.

Мен кино, аввало, сценарийдан бошланади, деб ҳисоблайман. Режиссёр нақадар даҳо бўлмасин, яхши сценарийсиз ҳақиқий киноасар яратиб бўлмайди. Ҳис-туйғу ва кечинмалар — дард, муҳаббат, ҳайрат ва ҳаяжон юракдан чиқиши керак. Танланган мавзу ҳаёт билан уйғун бўлиши лозим, кескинлик ва публицистик руҳдан чўчиш керак эмас. Қачонки, ҳақиқат тилга кирса, қаҳрамонлар ўйлаб топилган эмас, ҳаётий бўлса, биз томошабинни яна экран қаршисига қайтара оламиз.

Ҳар қандай сюжет асосида доимо зиддият ётиши керак. Айнан зиддиятлар орқали характерлар моҳияти очилади. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. 1980 йилда бир гуруҳ киночилар билан бирга Австралиядаги фестивалга, кейин Янги Зеландияга борганман. Веллингтон шаҳрида қайғули ва фожиали бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда инқилобдан аввал Россиядан кўчиб келган кекса эр-хотин яшар экан. Улар жуда бахтли — тўкин-сочинлик ва фаровонликда ҳаёт кечирган. Бир куни уларнинг шаҳрига Россиянинг машҳур Пятницкий номидаги хор жамоаси гастроль сафари билан келади. Кекса жуфтлик ҳар куни уларнинг концертига боради, энг охирида барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар ҳадя қилишади ва уйга қайтишгач, "Бу ҳаётимиздаги энг бахтли кунлар бўлди" деб хат қолдиришади, сўнгра иккиси ҳам заҳар ичиб, дунёдан кўз юмади. Бу ҳикоя менда жуда кучли таассурот қолдирди. Кейинчалик биз сюжети шунга ўхшаш ечимга эга бўлган "Учрашув ва айриликлар" бадиий фильмини суратга олдик. Унда буюк Шукур Бурҳонов бош ролни ижро этди.

Шуни айтишим керакки, кино — бу жамоавий санъат, унинг муваффақияти барча иштирокчиларга боғлиқ. Актёрларнинг ишонарли ижроси, мусиқанинг таъсирчанлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳамма нарсада самимий, табиий бўлиш ва ўзлигингни сақлаб қолиш — менимча, кинонинг энг асосий қоидаси мана шунда.

**— Замонавий ўзбек киноси ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Мен Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг оқилона раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни кўриб, чин қалбдан илҳомландим. Атиги бир неча йил ичида бу ерда тараққиётга жиддий тўсиқ бўлиб келаётган ўткир муаммолар ҳал этилди. Давлатнинг кино санъатига бўлган муносабати кескин ўзгаргани, айниқса, қувонарлидир. Экранларда янги — профессионал савиядаги, чуқур мазмунли ва чинакам етук фильмлар пайдо бўлди. Кўплаб ёш, истиқболли актёрлар, режиссёр ва сценаристлар етишиб чиқмоқда.

Яқинда Президентимиз маданият ва санъатни, жумладан, киноиндустрияни янада ривожлантиришга қаратилган навбатдаги фармонни қабул қилди. Ишончим комилки, кино соҳасида эркинлик ва рақобат муҳитининг шаклланиши унга албатта янги нафас бағишлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кино санъатини ривожлантириш, унинг Комил Ёрматов, Латиф Файзиев, Йўлдош Аъзамов, Шуҳрат Аббосов каби актёрлар, режиссёрлар ва сценарий муаллифларининг номлари экранларда порлаган, бутун мамлакат бўйлаб "Тоҳир ва Зуҳра", "Навоий", "Сен етим эмассан", "Ўткан кунлар", "Маҳаллада дув-дув гап" ва бошқа кўплаб фильмлар довруқ қозонган даврлардаги аввалги шуҳратини қайтариш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Яқинда мени Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида бўлиб ўтган, ёзувчи Хайриддин Султонов сценарийлари асосида режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан суратга олинган "Осмони фалакларда" кинодилогияси ҳамда режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг "Улуғ амир ва донна Мария" тарихий фильми премьераларига таклиф қилишди. Бу киноасарларни кўриб, ҳайратда қолдим. Бу мутлақо янги — воқеликка теран, ҳаққоний ва самимий нигоҳ самарасидир. Қаҳрамонлар сиймоси ёркин, улар ёдда қолади. Актёрлар жамоаси ажойиб. Картиналар томошабинни ўзига бутунлай ром этади. Ва бундай ўзбек фильмларининг сони ортиб бораётгани ниҳоятда қувонарлидир.

**— Сиз қарийб 20 йил давомида Бутунроссия давлат кинематография институтида дарс бергансиз. Бугун эса ушбу олийгоҳнинг Тошкент филиалида ёш истеъдодлар билан ишлаяпсиз...**

— Бундан олти йил аввал Ўзбекистон ва Россия Президентлари кинокомпаниялар ва киностудияларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, юқори малакали ижодий кадрларни тайёрлаш ҳамда кино санъати соҳасида тадқиқотлар олиб бориш учун Тошкент шаҳрида Бутунроссия давлат кинематография институти филиалини ташкил этиш тўғрисида тарихий қарор имзолашган эди. 2021/2022 ўқув йилининг ўзидаёқ филиал илк талабаларни қабул қилди. Шуни айтиш керакки, бу ҳозирча машҳур олийгоҳнинг хориждаги ягона филиали ҳисобланади.

Ўшанда институт раҳбарияти менга ва кўп йиллик дўстим, сафдошим Одилшо Агишевга Тошкентга ишга боришни таклиф қилди. Агишев — таниқли драматург ва сценарист, Россия Федерацияси санъат арбоби, Давлат мукофотлари совриндори, мазкур институт профессори. Биз Ватанимизда ишлаш таклифини мамнуният билан қабул қилдик.

Ўзбекистонга келганимиздан сўнг иқтидорли ёшларни излаб, Самарқанд, Бухоро ва Фарғонага бордик. У ерда жуда кўп истеъдодли йигит-қизларни учратдик.

> *"Яқинда Президентимиз маданият ва санъатни, жумладан, киноиндустрияни янада ривожлантиришга қаратилган навбатдаги фармонни қабул қилди. Ишончим комилки, кино соҳасида эркинлик ва рақобат муҳитининг шаклланиши унга албатта янги нафас бағишлайди."*

Ўтган йили филиалда сценарийчилик устахонамизнинг илк қалдирғочлари ижод осмонига парвоз қилди. Бу ажойиб ёшларнинг барчаси битирув ишларини аъло баҳоларга ҳимоя қилди. Бутунроссия давлат кинематография институтининг 45-халқаро талабалар фестивалида "Сценарийлар ярмаркаси" доирасида битирувчи талабамиз Иван Харитонов "Барзах" тўлиқ метражли сценарийси учун В.К.Туркин номидаги Гранприни қўлга киритди. Дониёр Ғаниев "Чиқиндихона мушуклари" асари учун "Диплом сценарийси" номинациясида биринчи даражали диплом билан тақдирланди. МДҲ давлатларининг "Юксалиш" халқаро талабалар фестивалида эса драматургия йўналиши талабаси Диана Шайдулина муваффақият қозонди.

Яқинда эса ёш режиссёр, бизнинг талабамиз бўлган Дилшодбек Усмонов сценарист Суҳроб Қодиров билан биргаликда "Қадам. Юсуф — қуёш фарзанди" номли қисқа метражли фильми учун 17-халқаро "ENTRE DEUX CANNES" инклюзив кино фестивалининг Гран-присини қўлга киритдилар. Ушбу ютуқлар — БДКИнинг Тошкент филиали талабалари ва педагогларининг улкан меҳнати, истеъдоди ва илҳомининг маҳсули.

Бу йил режиссёрлик устахонасига янги талабалар қабулини бошлаяпмиз. Биз ёшларнинг кино соҳасида таълим олиш учун ҳамма жойдан, аввало, қардош мамлакатлардан келишларини хоҳлаймиз. Шу тариқа, кино санъатини қайта тиклаш, янги кадрларни тарбиялаш ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз.

**— Элёр Муҳиддинович, кенг кўламли "Тирик тарих" лойиҳасидаги иштирокингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Шахсан давлат раҳбарининг раҳнамолигида амалга оширилаётган ушбу ноёб лойиҳада қатнашиш мен учун улкан бахт ва шараф. Лойиҳанинг олийжаноб мақсади тарихий ҳақиқатни гавдалантириш, халққа ўз қаҳрамонларини қайтариш, келажак авлодлар учун миллий қадриятларни қайта тиклашдан иборат экани ҳар томонлама эътиборлидир.

Ер юзида ҳар биримизнинг ўз туғилиб-ўсган жойимиз бор. Бу — Ватан. Онани унутиб бўлмаганидек, Ватанни ҳам унутиб бўлмайди. Ёшлигимизда булар ҳақида кўп ўйламаганмиз, кўпроқ бошқа ўлкалар ҳақида орзу қилардик. Аммо йиллар ўтиб, киндик қонинг томган тупроқ соғинчи, ёркин хотиралардан юрак эзилади. Она юрт ҳақидаги ўйлар сира тинчлик бермайди. Одам бамисоли учқур от минган суворийга айланади. Суворий эса — бу вақт. Ҳар бир сониямиз — бу Яратганнинг бебаҳо неъмати. Ва бу умрни муносиб яшаб ўтиш керак. Муносиб яшаш дегани — улуғ аждодларимиздек ҳаёт кечириш демакдир...

Ҳозирги кунда биз "Табаррук заминнинг беш ўғлони" номли фильмни суратга олишга тайёрланяпмиз. Ушбу картина ғояси қалбимда ёшлик йилларимда туғилган эди. Сценарийни Одилшо Агишев, Жасур Исҳоқов ва камина биргаликда ёзганмиз.

Бизнинг муқаддас заминимизда кўп асрлар аввал қитъаларни боғловчи глобал савдо йўллари кесишган, улкан цивилизациялар ва маданиятлар учрашган, тарих яратган буюк сиймолар яшаган ва ижод чўққисига эришган. Уларнинг барчаси ҳақида сўзлаб беришга ҳатто бир умр ҳам камлик қилади. Шу боис фильмимиз учун турли даврларда яшаб, инсоният тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган беш нафар буюк шахсни танлаб олдик. Булар — астрономия, физика, математика ва география соҳаларидаги нодир асарларидан бутун Европа 800 йил давомида таълим олган аллома Аҳмад Фарғоний; ўзидан фундаментал асарлар ва кашфиётлар қолдирган тенгсиз мутафаккир Абу Райҳон Беруний; замонавий жаҳон тиббиёти пойдеворини қўйган, барча даврларнинг энг буюк табиби Ибн Сино; 600 мингдан зиёд улкан ҳадислар уммонидан фақат энг ишончли бўлган 7 мингдан ортиқ ҳадисларни ажратиб олиб, кўплаб уламолар Қуръони каримдан кейинги энг ишончли исломий манба деб эъзозлайдиган "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" тўпламига киритган муҳаддис Имом Бухорий ҳамда XIII асрдаёқ "Бола ҳуқуқлари китоби"ни яратган ва дунёда юриспруденция фани ривожига сезиларли таъсир кўрсатган таниқли фиқҳ олими, асли жиззахлик бўлган Ал-Уструшонийдир.

Дунё аҳли бизнинг қандай халқ эканимизни, жаҳон цивилизацияси равнақига қандай улкан ҳисса қўшганимизни билиши учун бу буюк инсонлар ҳақида бутун жаҳонга сўзлаб беришни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фахрланишга арзийдиган бой тарихимиз, улкан меросимиз бор.

Бугунги кунда фильмларнинг сценарийси устидаги ишларни якунладик ва яқин орада суратга олишни бошлашни режалаштиряпмиз. Тасвирга олиш жараёнлари Ўзбекистон, Миср, Туркия ва Эронда амалга оширилади.

**— Элёр Муҳиддинович, ижодингиздаги энг севимли мавзу қайси ва қандай фильмларни ҳеч қачон суратга олмаган бўлар эдингиз?**

— Ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч қачон шафқатсизлик ва беҳаёликни тарғиб қилувчи фильмларни суратга олмайман. Санъат инсон қалбида, аввало, инсонийлик фазилатларини тарбиялаши кераклигига ишонаман.

Муҳаббат, шубҳасиз, менга энг яқин мавзу. Муҳаббат инсонга илҳом бағишлайди, уни юксалтиради. Севги — бу суюкли инсонинг учун ўзингни қурбон қилишга тайёр бўлиш, уни кўз қорачиғидек асраш, унинг ҳаётига бахт-саодат бағишлаш, демакдир. Чин севги ва нафосат мана шундай эзгу туйғулардан туғилади... Бу эса яшашга арзийдиган энг олий саодатдир.

**Фирюза КУБАРЕВА суҳбатлашди.**

## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

### ҚОЧҚИНЛАР ЎЗ УЙИГА ҚАЙТМОҚДА

*БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси эълон қилган ҳисоботда таъкидланишича, дунё бўйлаб таъқиблар, қуролли можаролар, зўравонлик ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида ўз уйини тарк этишга мажбур бўлганлар сони 118 млн. нафарга етди.*

2026 йил бошида Ер юзидаги ҳар 70 нафар аҳолидан бири мажбурий кўчкинчи мақомида бўлган. Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликда илк бор мажбурий кўчкинчилар сони қисқаргани айтилди. Хусусан, уларнинг умумий сони 5,4 млн. нафарга ёки 4 фоизга камайган.

БМТ мутахассисларининг фикрича, кўплаб одамлар ўз мамлакатидаги вазият ҳануз оғир бўлишига қарамай, ватанига қайтишни бошлаган. Шунингдек, бошпана сўраб мурожаат қилган ва қарор кутаётганлар сони ҳам ўсишда давом этмоқда. 2026 йил бошига келиб уларнинг сони қарийб 9 млн. нафарга етган бўлиб, бир йил ичида 645 минг нафарга кўпайган.

### СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ТАЪСИРИ

*БМТ тизимидаги Сув ресурслари, атроф-муҳит ва саломатлик институти олимлари сунъий интеллект инфратузилмасининг экологик таъсири ҳақида огоҳлантирди.*

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сунъий интеллектнинг атроф-муҳитга таъсири кўпинча фақат углерод чиқиндилари орқали баҳоланади. Бироқ бу тўлиқ манзарани акс эттирмайди. Чунки дата-марказларни совитиш ва электр энергия билан таъминлаш жараёни катта ҳажмда сув сарфланишига олиб келади. Шунингдек, бундай инфратузилмани қуриш учун зарур бўлган объектлар ва таъминот занжирлари катта ер майдонларини ҳам талаб қилади.

Ҳисоботга кўра, 2030 йилга бориб сунъий интеллект дата-марказлари йилига тахминан 945 тераватт-соат электр энергияси истеъмол қилади. Бу Покистон, Бангладеш ва Нигериянинг умумий йиллик электр энергия истеъмолидан қарийб уч баравар кўпдир. Мазкур уч мамлакат аҳолиси сони эса 650 миллиондан зиёд. Мутахассислар фикрича, сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши технологик тараққиёт билан бир қаторда экологик барқарорлик масалаларини ҳам кун тартибига чиқармоқда.

### БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА ҚИЗИЛ КАРТОЧКА

*Ҳар йили 12 июнда Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш куни нишонланади. Ушбу сана болаларни эксплуатация қилиш муаммосига эътибор қаратиш ҳамда давлатлар, бизнес ва фуқаролик жамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 2002 йилда таъсис этилган.*

2026 йилги куннинг мавзуси — "Болалар меҳнатига қизил карточка: болалар учун адолатли шароит, катталар учун муносиб иш" деб номланди. Халқаро меҳнат ташкилотининг хабарига кўра, 2025 йилдаги маълумотларда айтилишича, дунёда қарийб 138 млн. бола меҳнат қилишга мажбур бўлмоқда. Уларнинг қарийб учдан бир қисми ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган шароитда ишлаяпти.

### «GLOBAL PEACE INDEX» 2026 ЙИЛГИ ҲИСОБОТНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

*Унга кўра, дунёдаги энг хавфсиз 5 та давлат аниқланди. Рейтинг хавфсизлик даражаси ҳарбий можаро хавфи, жиноятчилик, ижтимоий барқарорлик ва аҳолининг ўзини қанчалик хавфсиз ҳис қилиши каби 23 та мезон асосида баҳоланган.*

Натижаларга кўра, Исландия 2008 йилдан бери деярли узлуксиз равишда дунёнинг энг хавфсиз давлати бўлиб келмоқда ва 2026 йилда ҳам биринчи ўринни сақлаб қолди. Осиё — Тинч океани минтақасида энг хавфсиз давлат ҳисобланган Янги Зеландия бу йил иккинчи ўринга кўтарилди.

Учинчи ўринни эгаллаган Швейцария Европанинг энг барқарор давлатларидан бири сифатида қолмоқда. Словения илк бор энг хавфсиз 5 таликка кирди. Кучли бешликка кирган Ирландия эса паст зўравонлик даражаси ҳамда халқаро можароларда деярли иштирок этмаслиги билан ажралиб туради.

**Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

Самарқанд давлат университети жамоаси, ректорати, касаба уюшма қўмитаси СамДУ Матбуот котибияти мудири Фаррух Ҳамроевга қизи

**Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**2026-2027 йилларда Наманганда 20 та «чемпион» тадбиркор танлаб олиниб, корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини кўтаришга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга оширилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6